

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI**664 Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида**

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги 267-сон қарорига мувофиқ, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг намунавий таркиби 1-иловага;

туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг намунавий таркиби 2-иловага;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага;

туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг шахсий таркиби ва низомини тасдиқласин ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 14 декабрь,
329-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари (келишув асосида), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Худудий кенгаш раиси;
2. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси, Худудий кенгаш раисининг ўринбосари;
3. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, Худудий кенгаш масъул котиби;

Кенгаш аъзолари:

4. Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари;
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари — Хотин-қизлар қўмитаси раислари;
6. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари (келишув асосида);
7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари (келишув асосида);
8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари (келишув асосида);
9. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари;
10. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бошқармалари бошлиқлари;

11. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари;
12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари;
13. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари бошлиқлари;
14. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари;
15. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари;
16. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари;
17. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари;
18. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари;
19. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари;
20. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари;
21. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари;
22. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар имом-хатиблари;
23. Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари раислари;
24. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар телерадиокомпаниялари директорлари;
25. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари муассислигидаги маҳаллий газеталарнинг бош муҳаррирлари;
26. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Фермерлар Кенгашлари раислари;

27. Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари;
28. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари;
29. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари;
30. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари;
31. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари;
32. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари раислари;
33. «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари;
34. Республика Маънавият тарғибот маркази Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари;
35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директорлари;
36. Туман (шаҳар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари раислари.

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар Кенгаш таркибига киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Туманлар ва шаҳарлар Фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман (шаҳар) ҳокими, Кенгаш раиси
2. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошқаруви раиси, Кенгаш раисининг ўринбосари;
3. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошқаруви масъул котиби, Кенгашнинг масъул котиби;

Кенгаш аъзолари:

4. Туман (шаҳар) Хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари;
5. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари;
6. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари;
7. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари;
8. Туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи;
9. Туман (шаҳар) иқтисодиёт бўлими бошлиғи;
10. Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи;
11. Туман (шаҳар) Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи;
12. Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғи;
13. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими бошлиғи;
14. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбари;
15. Туман (шаҳар) Давлат санитария — эпидимология маркази раҳбари;
16. Туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи;
17. Туман (шаҳар) ФХДЁ бўлими мудирини;
18. Туман (шаҳар) имом-хатиби;

19. Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси;
20. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Туман (шаҳар) бўлими раислари;
21. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси туман (шаҳар) бўлими раиси;
22. «Ватанпарвар» ташкилоти туман (шаҳар) бўлими раиси;
23. Маънавият тарғибот маркази туман (шаҳар) бўлими раҳбари;
24. Туман (шаҳар) ҳокимлари муассислигидаги маҳаллий газетанинг бош муҳаррири;
25. Туман (шаҳар) ҳудудидаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари;
26. Туман (шаҳар) коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари раҳбарлари;
27. Туман Фермерлар Кенгаши раиси;
28. Туман (шаҳар) маҳалла (шаҳарча, қишлоқ, овул) фуқаролар йиғини раислари (3 нафаргача);

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар Кенгаш таркибига киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари тўғрисидаги
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашлари (кейинги ўринларда Худудий кенгаш деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Худудий кенгаш тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, улар фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш юзасидан асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан меха-

низмлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган коллегиял орган ҳисобланади.

3. Худудий кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) Низомига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Худудий кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида, Республика кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади.

Худудий кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилик ва коллегиялик тамойилларига амал қилади.

II. Худудий кенгашнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Қуйидагилар Худудий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан пухта асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли ғоялар ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, хусусан, уларга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларга доир чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг худуддаги давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, улар билан ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий шериклик асосида амалга оширишга доир чора-тадбирларни белгилаш;

туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларига ўз вазифаларини амалга оширишда кўмаклашиш.

6. Худудий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинлари органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши мониторингини олиб боради, уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга, илғор тажрибаларини оммалаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқади ва Республика кенгашига тақдим этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан Республика кенгашига таклифлар киритади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга оширишда тегишли фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги лавозимларга номзодлар захирасини шакллантириш ишларини амалга оширишда туманлар ва шаҳарлар кенгашларига кўмаклашади ҳамда зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатади;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари фаолиятини мувофиқлаштиришда туманлар ва шаҳарлар кенгашларига кўмаклашади, фуқаролар йиғини ходимларини рағбатлантириш ишларида иштирок этади ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни ташкиллаштиради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун зарур бўлган услубий қўлланмалар нашр этиш ҳамда уларнинг нусхаларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш чораларини кўради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкор ташкилотлар билан фаолиятини янада мустаҳкамлашга доир таклифлар ишлаб чиқади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари амалга оширилишига кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди, бу борада туманлар ва шаҳарлар кенгашларига кўмаклашади;

махаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қув-

ватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга кўмаклашади ҳамда бу борада туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг фаол иштирокини таъминлайди;

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини жойларда изчиллик билан татбиқ этиш, фуқароларнинг фаоллигини, жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик хиссини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифалар ижросини таъминлаш ва кўламини янада кенгайтириш борасида туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг фаол иштирокини таъминлайди, мазкур йўналишларда тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқади;

маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий кадриятларни эъозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ҳамда анъаналарини асраш ва оммалаштириш чора-тадбирларини амалга оширади, ушбу йўналишда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашларининг фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, маҳалла институтининг фаолиятини ёритишга доир тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашади, туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва таъсирини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг билим ва малакасини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантириш ишларини ташкил этади ҳамда бу борада туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг кенгашларига услубий-амалий кўмаклашади;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама камол топган баркамол авлодни тарбиялашда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва мониторингини юритишда туманлар ва шаҳарлар кенгашларига услубий-амалий жиҳатдан кўмаклашади, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

маҳалла институтининг долзарб масалалари бўйича халқаро ва республика конференциялари ҳамда семинарларини ташкил этиш ва ўтказишда ташаббус кўрсатади.

7. Ҳудудий кенгаш ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказиш,

асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар раисларининг малакасини оширишга доир қарорлар қабул қилиш;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан Худудий кенгаш ваколатига тааллуқли зарур маълумот ҳамда материалларни сўраш ва олиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборотларини эшитиш;

туманлар ва шаҳарлар кенгашларини тузиш ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, зарур ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритиш;

туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раисларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни ушбу комиссиялар ва гуруҳлар ишига жалб этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир услубий тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва фаоллари учун ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

Худудий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

III. Худудий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Худудий кенгаш унинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Худудий кенгашнинг шахсий таркиби Республика кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тегишли бўлими худудий кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

9. Худудий кенгашга тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими раислик қилади. Худудий кенгаш раиси худудий кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Худудий кенгаш раиси:

Худудий кенгаш мажлислари кун тартибини белгилайди ва мажлисларни чақиради;

Худудий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлари бажарилишининг назоратини ташкил этади;

Худудий кенгаш аъзоларининг худудий кенгашга юкланган вазифаларни бажаришини мувофиқлаштиради;

туманлар ва шаҳарлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

Худудий кенгаш ишчи органи фаолиятини ташкил этади ва назорат қилади;

Худудий кенгашнинг самарали ишлашини таъминлашга доир бошқа ишларни бажаради.

10. Худудий кенгаш аъзолари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятининг самарали йўлга қўйилишига кўмаклашадилар;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича худудий кенгашга таклифлар киритадилар;

Худудий кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

Худудий кенгаш муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ёзма хулосалар ва оғзаки тушунтиришлар берадилар;

Туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг йиғилишларида иштирок этадилар ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар;

Худудий кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

11. Ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика кенгаши иш режасидаги чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, Худудий кенгаш ҳар йили ўз иш режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ва Худудий кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

12. Худудий кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишда хатлар Худудий кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Худудий кенгаш ўз бланкасига эга бўлади.

13. Худудий кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда, ўз иш режасига мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Худудий кенгаш қарори билан, Худудий кенгаш раисининг ўринбосари ёки аъзолари ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин. Худудий кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф зарур ҳужжатлар билан биргаликда ишчи органга юборилади.

14. Худудий кенгаш мажлисларини унинг раиси, у бўлмаган тақдирда раиснинг ўринбосари бошқаради.

Худудий кенгаш мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Худудий кенгаш қарорлари мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда мажлисда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Худудий кенгашнинг ҳар бир

аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикр-мулоҳазасини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисни ўтказиш учун кворум бўлмаганда, Кенгашнинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Ҳудудий кенгаш раисининг рухсати билан мажлисда унинг узрли сабабларга кўра қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

16. Ҳудудий кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиляётган масалаларнинг моҳиятига кўра давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, туман ва шаҳарлар кенгашлари раислари ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

17. Ҳудудий кенгаш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосари, шунингдек масъул котиб имзолайди.

18. Ҳудудий кенгаш қарорлари унинг барча аъзоларига ва манфаатдор шахсларга етказилади.

Ҳудудий кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли давлат органлари ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

19. Ишчи орган:

Ҳудудий кенгаш мажлисларига тайёргарликни ва уни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

Ҳудудий кенгаш фаолияти учун зарур барча ҳужжатларни (таҳлилий маълумотлар, жадваллар ва ҳ. к.) шакллантиради ва қарорлар лойиҳалари бўйича келишувни амалга оширади;

фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлайди;

туманлар ва шаҳарлар кенгашлари ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ишчи орган Ҳудудий кенгаш қарорига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Ҳудудий Кенгаш қарорларининг бажарилиши натижалари ҳақида Ишчи орган ҳар чоракда Ҳудудий Кенгашга тегишли зарур материалларни илова қилган ҳолда таҳлилий маълумотларни тақдим этади.

21. Ишчи орган раҳбари тайёрланган материаллар ва мажлис кун тартиби бўйича Ҳудудий Кенгаш раисига ахборот беради, раис томонидан маъқулланган тақдирда, кенгаш мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақтни, шунингдек таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

22. Ҳудудий Кенгаш масъул котиби Кенгаш мажлиси материалларини баён лойиҳаси билан биргаликда мажлисни ўтказиш санасидан камида беш

кун олдин Кенгашнинг ҳар бир аъзосига, зарур ҳолларда мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Мажлис кун тартиби ўзгарган тақдирда, Худудий Кенгаш масъул котиби Кенгашнинг ҳар бир аъзосини ҳамда мажлисга таклиф этилган шахсларни мажлис бошланишидан олдин уч кундан кечикмай бундай ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

23. Ишчи орган Худудий кенгаш ишига тайёргарлик кўриш мақсадида унинг ваколатлари доирасида зарур материалларни давлат органлари ҳамда ташкилотлардан сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

24. Туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг таркиби ҳамда уларнинг низомлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари тўғрисида»ги Намунавий низом асосида Худудий Кенгаш томонидан тасдиқланади.

IV. Худудий кенгашнинг Республика кенгаши ҳамда туманлар ва шаҳарлар кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги

25. Худудий кенгаш Республика кенгаши ҳамда туманлар ва шаҳарлар кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, туманлар ва шаҳарлар кенгашларига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, уларга ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади, улар фаолиятини мувофиқлаштириб боради ва мониторингини амалга оширади.

Йилнинг ҳар чорагида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Худудий кенгаш раиси Республика кенгашига ҳисобот беради.

26. Худудий кенгаш раиси бир вақтнинг ўзида Республика кенгаши, туманлар ва шаҳарлар кенгашларининг раислари эса Худудий кенгашнинг аъзоси ҳисобланади.

27. Худудий кенгаш Республика кенгаши қарорларининг тегишли ҳудудда ижро этилиши учун масъул ҳисобланади.

V. Яқунловчи қоида

28. Ушбу Намунавий низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш
бўйича кенгашлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашлари (кейинги ўринларда туман, шаҳар кенгаши деб аталади) фаолиятини тартибга солиди.

2. Туман, шаҳар кенгаши тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини амалга оширишга кўмаклашиш, улар фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш юзасидан асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган коллегиял орган ҳисобланади.

3. Туман, шаҳар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Республика ҳамда тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаши (кейинги ўринларда ҳудудий кенгаш деб аталади) низомларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Туман, шаҳар кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида Ҳудудий кенгаш томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади.

Туман, шаҳар кенгаши ўз фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва коллегияллик тамойилларига амал қилади.

**II. Туман, шаҳар кенгашининг асосий вазифалари ва
ҳуқуқлари**

5. Туман, шаҳар кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш чораларини кўриш, асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

фуқаролар йиғинларида мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, барқарорлаштириш чораларини белгилаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли гоёлар ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда фаоллигини янада ошириш, хусусан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳар томонлама кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудуддаги давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, улар билан ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий шериклик асосида амалга оширишга доир чора-тадбирларни белгилаш.

6. Туман, шаҳар кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинлари органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши мониторингини олиб боради, уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш, илғор тажрибаларини оммалаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқади ва ҳудудий кенгашга киритади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳудудий кенгашга таклифлар киритади;

фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳларга зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги лавозимларга номзодлар захирасини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмаси раҳбари фаолиятини мувофиқлаштиради, фуқаролар йиғини ходимларини рағбатлантириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни ташкиллаштиради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун зарур бўлган услубий қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўради, фуқаролар йиғинлари учун услубий қўлланма ва адабиётларни нашр этиш ҳамда уларнинг нусхаларини белгилаш бўйича ҳудудий кенгашга таклифлар киритади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш чораларини кўради, мазкур йўналишда таклифлар ишлаб чиқиб, ҳудудий кенгашга киритади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ва ривожлантириш чораларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари амалга оширилишига қўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради ва бу борада ҳудудий кенгашга таклифлар киритади;

маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қўмаклашади ва бу борада ҳудуддаги фуқаролар йиғинларининг фаол иштирокини таъминлайди;

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини жойларда изчиллик билан татбиқ этиш, фуқароларнинг фаоллигини, жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифалар ижросини таъминлаш ва кўламини янада кенгайтириш бўйича фуқаролар йиғинларининг фаол иштирокини таъминлайди ҳамда мазкур йўналишларга оид тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш борасида ҳудудий кенгашга таклифлар киритади;

маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини асраш ва оммалаштириш чора-тадбирларини амалга оширади, фуқаролар йиғинларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, маҳалла институтининг фаолиятини ёритишга доир тадбирларни амалга оширади, фуқаролар йиғинларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва таъсирини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг билим ва малакасини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантириш ишларини ташкил этади ҳамда бу борада фуқаролар йиғинларига услубий-амалий қўмаклашади;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама камол топган баркамол авлодни тарбиялашда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштиради, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

маҳалла институтининг долзарб масалалари бўйича давра суҳбатлари ҳамда семинарларини ташкил этиш ва ўтказишда ташаббус кўрсатади.

7. Туман, шаҳар кенгаши ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказиш, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар раисларининг малакасини оширишга доир қарорлар қабул қилиш;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан туман, шаҳар кенгаши ваколатига тааллуқли зарур маълумот ва материалларни сўраш ва олиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, фуқаролар йиғинлари ходимларининг ахборотларини эшитиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни ушбу комиссиялар ва гуруҳларни ишига жалб этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир услубий тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва худудий кенгашга киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва фаоллари учун ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

туман, шаҳар кенгашининг йиғилишларига фуқаролар йиғинлари ходимларини жалб этиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг ҳолати муҳокама этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.

Туман, шаҳар кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

III. Туман, шаҳар кенгаши фаолиятини ташкил этиш

8. Туман, шаҳар кенгаши унинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Туман, шаҳар кенгаши таркиби ҳудудий кенгаш томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман, шаҳар бўлинмаси туман, шаҳар кенгашининг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

9. Туман, шаҳар кенгашига туман (шаҳар) ҳокими раислик қилади. Туман, шаҳар кенгаши раиси туман, шаҳар кенгашига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Туман, шаҳар кенгаши раиси:

туман, шаҳар кенгаши мажлислари кун тартибини белгилайди ва мажлисларни чақиради;

туман, шаҳар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

туман, шаҳар кенгаши аъзоларининг ҳамда туман, шаҳар кенгаши зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга доир ишларни мувофиқлаштиради;

туман, шаҳар кенгаши ишчи органининг фаолиятини назорат қилади;

туман, шаҳар кенгашининг самарали ишлашини таъминлашга доир бошқа ишларни бажаради.

10. Туман, шаҳар кенгаши аъзолари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятининг самарали йўлга қўйилишига кўмаклашадилар;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича туман, шаҳар кенгашига таклифлар киритадилар;

туман, шаҳар кенгаши мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

туман, шаҳар кенгаши муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ёзма хулосалар ва оғзаки тушунтиришлар берадилар;

фуқаролар йиғини, унинг кенгаши йиғилишларида иштирок этадилар ва ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар;

туман, шаҳар кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

11. Ушбу Низомда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий кенгаш иш режасидаги чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, туман, шаҳар кенгаши ҳар йили ўз иш режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ҳамда туман, шаҳар кенгашининг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

12. Туман, шаҳар кенгаши фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юриштишда хатлар туман, шаҳар кенгаши раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Туман, шаҳар кенгаши ўз бланкасига эга бўлади.

13. Туман, шаҳар кенгаши ўз фаолиятини доимий асосда, ўз иш режасига мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Туман, шаҳар кенгаши қарори билан, туман, шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари ёки аъзолари ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин.

Туман, шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф зарур ҳужжатлар билан биргаликда ишчи органга юборилади.

14. Туман, шаҳар кенгаши мажлисларини унинг раиси, у бўлмаган тақдирда раиснинг ўринбосари бошқаради.

Туман, шаҳар кенгаши мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Туман, шаҳар кенгаши қарорлари мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда мажлисда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Туман, шаҳар кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисни ўтказиш учун кворум бўлмаганда, Кенгашнинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Туман, шаҳар кенгаши раисининг рухсати билан, мажлисда унинг узрли сабабларга кўра қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

16. Туман, шаҳар кенгаши мажлисига, унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳиятига кўра, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

17. Туман, шаҳар кенгаши қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосари, шунингдек масъул котиб имзолайди.

18. Туман, шаҳар кенгаши қарорлари унинг барча аъзоларига ва манфаатдор шахсларга ҳамда ҳудуддаги фуқаролар йиғинларига етказилади.

Туман, шаҳар кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг тегишли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

19. Ишчи орган:

туман, шаҳар кенгаши мажлисларига тайёргарликни ва уларни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

туман, шаҳар кенгаши фаолияти учун зарур бўлган барча ҳужжатларни (таҳлилий маълумотлар, жадваллар ва ҳ. к.) шакллантиради ва қарорлар лойиҳалари бўйича келишувни амалга оширади;

фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини ўрганади, таҳлил қилади, умумлаштиради, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлайди.

Ишчи орган туман, шаҳар кенгаши қарорига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Туман, шаҳар кенгаши қарорларининг бажарилиши натижалари ҳақида Ишчи орган ҳар чоракда Туман, шаҳар кенгашига тегишли зарур материалларни илова қилган ҳолда таҳлилий маълумотларни тақдим этади.

21. Ишчи орган раҳбари тайёрланган материаллар ва мажлис кун тартиби бўйича Туман, шаҳар кенгаши раисига ахборот беради, раис томонидан маъқулланган тақдирда, кенгаш мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақтни, шунингдек таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

22. Туман, шаҳар кенгаши масъул котиби Кенгаш мажлиси материалларини баён лойиҳаси билан биргаликда мажлисни ўтказиш санасидан камида беш кун олдин Кенгашнинг ҳар бир аъзосига, зарур ҳолларда мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Мажлис кун тартиби ўзгарган тақдирда, Туман, шаҳар кенгаши масъул котиби Кенгашнинг ҳар бир аъзосини ҳамда мажлисга таклиф этилган шахсларни мажлис бошланишидан олдин уч кундан кечикмай бундай ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

23. Ишчи орган туман, шаҳар кенгаши ишига тайёргарлик кўриш мақсадида унинг ваколатлари доирасида зарур материалларни давлат органлари ва ташкилотлардан сўраш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

IV. Туман, шаҳар кенгашининг ҳудудий кенгаш ҳамда фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорлиги

24. Туман, шаҳар кенгаши ҳудудий кенгаш, шунингдек ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолиятига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, уларга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва мониторингини олиб боради.

Йилнинг ҳар чорагида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман, шаҳар кенгаши раиси ҳудудий кенгашга ҳисобот беради.

25. Туман, шаҳар кенгашининг раислари бир вақтнинг ўзида ҳудудий кенгаш аъзоси ҳисобланади.

26. Туман, шаҳар кенгаши Республика ва ҳудудий кенгаш қарорларининг тегишли ҳудудда ижро этилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

V. Яқунловчи қоида

27. Ушбу Намунавий низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.